

Aksariyat IPOlar investitsion bank xizmatlarini provayderlaridan tashkil topgan andarrayting va sindikatsiya guruhini tashkil etishdan boshlanadi. Keyinchalik bu guruh kompaniya foydalanadigan mamlakat va fond birjasiga qarab talab qilinadigan me'yoriy hujjatlar va oshkoralarni tayyorlashda kompaniyaga yordam beradi. Firma IPO sanasidan oldingi oylarda prospektni e'lon qiladi.

Risolada kompaniyaning tarixi, biznesi, operatsion va moliyalashtirish natijalari, tegishli biznes, moliyaviy yoki siyosiy risklar va kompaniyaning kelajak uchun biznes rejasi tavsifi taqdim etiladi, ularning barchasi bo'lajak xaridorlarga firmani baholashda yordam beradi.

Kompaniya ommaga tanilgach, u jamoatchilik nazoratining ancha yuqori darajasi uchun ochiq bo'ladi. Bu tekshirish davlat xavfsizlikni tartibga soluvchi organlar va alohida fond birjalari tomonidan vaqti-vaqti bilan taqdim etilishi kerak bo'lgan batafsil oshkoralik va moliyaviy hisobotlardan kelib chiqadi. Bu doimiy oshkor qilish na xarajat, na raqobatdosh oqibatlarga olib kelmaydi. Davlat firmasining moliyaviy ma'lumotlarini mijozlar, yetkazib beruvchilar, hamkorlar va raqobatchilar firma bilan munosabatlarida foydalanishi mumkin bo'lgan juda ko'p ma'lumotni oshkor qilish sifatida ko'rish mumkin. Xususiy firmalar bu sohada aniq raqobat ustunligiga ega. Ommaga sotiladigan firma aksiyalarining qo'shimcha farqi shundaki, ular faqat chiqarilgandan keyin firma uchun kapitalni oshiradi. Garchi aksiyalar bahosining kunlik o'sishi va tushishi ushbu aksiyalarning egalariga daromad keltirsa-da, narxning kunlik harakati kompaniya kapitalini o'zgartirmaydi.

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОМ МОЛИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

проф., и.ф.д. О.А.Арипов

НамДТИ, "Иқтисодиёт" кафедраси мудири

Н.Т.Насирова

"Иқтисодиёт" кафедраси катта ўқитувчиси

Бугунги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда Ислом молияси муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Жаҳон ҳамжамиятида Ислом молияси асрлар давомида ўзининг адолатли ва барқарор принциплари билан танилган. Чунки у иқтисодий фаолиятни адолатли, транспарент ва барқарор қилишга йўналтирилган. Ислом молияси иқтисодий ишларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятининг этик ва ижтимоий жиҳатдан тўғри йўл билан олиб борилишини таъминлайди. Ислом молияси айниқса, аҳолиси мусулмон бўлган мамлакатларда катта самара билан ривожланиб бормоқда. Ислом молиясининг асосий принциплари, айниқса, рибо (фоиз)га қарши туриш,

адолатли савдо ва шаръий принципларга асосланган молиявий ишлаш, тадбиркорлар учун бир қатор имкониятларни яратади:

1. Адолатли ва барқарор иқтисодий муҳитни яратиш. Ислом молиясининг асосий мақсади – рибодан (фоиздан) озод иқтисодий тизим яратиш. Маълумки, Исломда харом манбалардан молия олиш тақиқланган, шунинг учун тадбиркорлар фақат ҳалол ва адолатли усуллар билан фаолият юритишга ҳаракат қилишади. Натижада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишларни мустаҳкам ва узоқ муддатли бўлишини таъминлайди. Бу тадбиркорларга фоизли қарзлардан қочиш, яъни, иқтисодий муносабатларда тадбиркорлик субъектларининг фоизсиз фаолиятини барқарор қилиш имконини беради. Рибосиз молиялаштириш усуллари, масалан, *мудориба* (тадбиркор билан ишлаб чиқаришга сармоя киритиш), *мурабаха* (сотиш орқали молиявий фаолият) каби усуллар тадбиркорларга адолатли молиялаштириш имконини яратади.

Умуман олганда, Ислом молиясининг халқаро амалиёти тадбиркорлар учун барқарор ва самарали иқтисодий муҳит яратишга ёрдам беради, чунки у молиявий фалокатларга олиб келадиган экстремал рискларни камайтиради.

2. Кўпроқ инвестицияларни жалб қилиш. Ислом молияси тизими инвесторларга қарз бермасдан, балки инвестиция қилинишини таъминлайди. Бу Ислом молиясининг муҳим қоидаларидан бири бўлиб, қарз беришдаги адолатни таъминлайди. Бу тадбиркорларга уларнинг фаолияти учун шаръий принципларга мувофиқ молиявий ресурсларни жалб қилишга ёрдам беради. Яъни, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестициялар кўпроқ ташланади, бу эса тадбиркорларнинг ўсишига сабаб бўлади. Масалан, агар тадбиркорларга қарз олиш ёки қарз бериш зарураияти юзага келса, бу жараёнларни ҳалол ва қонуний асосда амалга оширишлари керак бўлади. Бунинг натижасида, тадбиркорлар ўз миждлари ва бизнес ҳамкорлари билан ишлашда ишончли ва аниқ муносабатларга эга бўладилар.

3. Ишлаб чиқаришга ва савдога йўналтириш. Ислом молиясининг бошқа бир муҳим жиҳати – у тадбиркорларни ишлаб чиқариш ва савдога йўналтириш. Ислом молиясининг ўзидек ҳаққоний савдо ва адолатли ишлашни рағбатлантириш тадбиркорлар учун бозорда яхши мавқе эгаллашга ёрдам беради. Бу савдо, ишлаб чиқариш ва сармоя киритишнинг барқарор ва узоқ муддатли натижаларини таъминлайди.

4. Ҳар томонлама тараққий этишни таъминлаш. Ислом молиясининг яна бир муҳим хусусияти – у инсонларнинг ва жамиятнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилган. Масалан, *закот* ва *садака* каби амалиётлар ижтимоий адолатни таъминлайди ва бу тадбиркорлик муҳитидаги ортиқча табақавий фарқларни камайтиришга ёрдам беради. Бу каби молиявий (исломий) муносабатлар тадбиркорлик соҳасида камбағалликка қарши курашиш, барқарор иқтисодиёт ва ижтимоий

фаолиятларни ривожлантиришга хизмат қилади. Бунинг натижасида, тадбиркорлар орасида ҳам биродарлик ва ўзаро ёрдам йўналишлари ривожланади. Шундай қилиб, Ислом молиясининг асосий мақсади одамлар орасида мувозанатни сақлаш ва ижтимоий тараққиётга ёрдам беришдир.

5. Этик тадбиркорлик. Ислом молияси иқтисодий фаолиятни этик меъёрлар ва шаръий қоидаларга асосланиб амалга оширишга даъват қилади. Исломда тадбиркорлар ва уларнинг ҳамкорлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишончга асосланган бўлиши керак. Тадбиркорликнинг ҳар бир босқичида адолат, ҳалоллик ва шаффофлик принципларига риоя қилиш талаб этилади. Бу эса жамиятда ишонч ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ёрдам беради. Шунингдек, тадбиркорлик соҳасидаги муваффақиятни оширишга ёрдам беради. Қолаверса, тадбиркорлар ўз молиявий ресурсларини фақат шахсий манфаатларига эмас, балки жамиятга фойда келтиришга қаратган ҳолда сарф қилишлари талаб этилади. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётнинг умумий ривожланишини ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар томонлама ривожланган, барқарор ва адолатли иқтисодий тизимни яратишда Ислом молиясининг аҳамияти катта. Тадбиркорлар учун имкониятлар кенгайиб, уларнинг иш фаолиятининг барқарорлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Арипов О.А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Дарслик. – Наманган. “Машлаб” нашриёти. 2024. 75-77 бетлар.

2. Муфти Муҳаммад Тақий Усманий. Ислом молиясига кириш. – Т.: “Азон китоблари”, 2023. 56-58 бетлар.

3. Тимоти Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод). XXI асрда Ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш). –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбааакциядорлик компанияси. 2005. – 363 б.

O‘ZBEKISTONDA ISLOMIY MOLIALASHTIRISHNI RIVOJLANTIRISH CHORA-TADBIRLARI

Sharapova Mashxura

*TDIU “Moliya va moliyaviy texnologiyalar”
kafedrasi dotsenti, PhD*

Islomiy moliyalashtirish ma’naviy-axloqiy tamoyillarga asoslangan ijtimoiy yo‘nalish bo‘lib, insonlarning farovonligini ularning hayoti, tafakkuri, qadr-qimmatini va mulkini himoya qilish orqali ta’minlashga qaratilgan. Bu yo‘nalish iqtisodiy rivojlanishning asosiy maqsadi sifatida ijtimoiy adolatni ta’minlashni ko‘zda tutadi. Bu maqsad iqtisodiyotni rivojlantirish va xo‘jalik faoliyatini yaxshilash yo‘li bilan amalga oshirilishi mumkin.